

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1237,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 86,9 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1237,9</b>	<b>86,9</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>518,5</b>	<b>90,3</b>	<b>41,9</b>
бюджет маблағлари	141,1	141,1	11,4
давлат мақсадли фонд маблағлари	19,6	56,9	1,6
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фонди маблағлари	0,4	7,3	0,03
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	217,4	65,9	17,6
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	140,0	135,0	11,3
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>719,4</b>	<b>84,9</b>	<b>58,1</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари қўшилган ҳолда	349,6	70,8	28,2
аҳоли маблағлари	214,2	105,7	17,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар қўшилган ҳолда)	23,9	220,8	1,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	131,7	92,3	10,7

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 905,8 млрд. сўми ёки 73,2 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 332,1 млрд. сўм ёки 26,8 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.


2017 йил январь-июнда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1237,9</b>	<b>980,6</b>	<b>257,3</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	68,3	24,2	79,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	23,7	73,9	10,5
Бошқа ҳаражатлар	8,0	1,9	9,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 23,6 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 28,8 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 5,2 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнда умумий майдони 355,2 минг кв.м. бўлган 2007 та (2016 йил январь-июнга нисбатан 108,6 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 262,9 минг кв.м. (95,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 263,8 млрд. сўми ёки 79,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 13,8 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,2 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 10,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,3 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ўзлаштирилган 4,0 млрд. сўмлик инвестициялар ёки умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи республика бюджети маблағлари ҳисобига тўғри келади.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-июнда 591,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,4 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,3 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 10,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 8,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 520,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 87,9 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 112,5 фоизни) ташкил қилди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 йил  
январь-июнь



2017 йил  
январь-июнь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари